

<p>Ўзбекистон Республикаси МЧЖ шаклидаги “AUDIT-HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг руҳсатномасига эга бўлган Аудиторлик ташкилотлари реестрига кирган.</p>		<p>Республика Узбекистан АО в форме ООО “AUDIT-HISOB MARKAZI”</p> <p>Включён в реестр аудиторских организаций, имеющих разрешение Министерство финансов Республики Узбекистан</p>
--	--	---

### «Navro’z dehqon bozori» акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

**«Navro’z dehqon bozori» акциядорлик жамиятининг  
2021 йил 31 декабр санасига тузилган молиявий ҳисоботлари юзасидан**

### АУДИТОР ХУЛОСАСИ

#### Фикр

Биз корхонанинг қўйидаги молиявий ҳисоботлари ва у билан боғлиқ ахборотлар аудитини ўтказдик:

- 2021 йил 31 декабр санасига тузилган “Бухгалтерия баланси”;
- кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”;
- ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлар.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар «Navro’z dehqon bozori» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр санасига бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) га мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

#### Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботлар жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувани режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номли бўлимда баён қилинган.

Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

## **Мустақиллик**

Биз аудит қилинаётган корхонага нисбатан бухгалтерлар учун аҳлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Аҳлоқ кодексига мувофиқ ва «*Navro’z dehqon bozori*» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари аудити бўйича аҳлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Аҳлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

## **Муҳимлик**

Ўтказилган аудиторлик текшируви кўламини аниқлашга муҳимлик даражасини қўллаш ўз таъсирини кўрсатган. Аудит текширилаётган молиявий ҳисбот мухим бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги юзасидан оқилона ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган.

Мухим бузиб кўрсатишлар корхона ходимларининг фаолият давомида амалга оширган ноқонуний харакатлари ва хатоликлари натижасида юзага келиши мумкин.

Муҳимлик даражасини аниқлашда биз халқаро амалиётда қўлланилаётган услубиётга асосланган ва аудитор ҳисботига илова қилинган ҳисоб-китобни амалга оширидик ва корхонанинг 2021 йил учун молиявий ҳисботлари бўйича унинг даражасини тушумга нисбатан 2 % микдорида белгиладик.

## **Аудитнинг муҳим саволлари**

Аудитнинг муҳим саволлари - булар бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий ҳисботлар бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Мазкур йўналишда биз эътиборимизни корхонанинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, солиқ тўловлари, соф фойдаси ва унинг ишлатилишини ўрганишга қаратдик ва аудитор ҳисботида бу борада ўз фикримизни билдиридик.

## **Бошқа ахборот**

Аудитни ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботлар ўртасида муҳим зиддиятлар бор йўқлигини аниқлаш ва корхонада конунчиликка риоя килинишини ўрганиш мақсадида бошқа молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар билан танишиб чиқилди ва улар билан молиявий ҳисбот кўрсаткичлари ўртасида муҳим зиддиятлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилинди.

## **Корхона фаолиятини бошқариш ва молиявий ҳисбот учун раҳбар шахсларнинг масъулияти**

Корхона раҳбари яхши мазкур молиявий ҳисботни Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек, фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисобладиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бошқарув юклатилган шахслар молиявий ҳисботни тузиш жараёнида корхона якин келажакда ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиши қобилиятини баҳолаши, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериши учун масъул ҳисобланадилар.

Бунда корхонани тутатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу харакатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топилмаган ҳолатлар бундан мустасно.

## Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий ҳисобот ножӯя харакатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хulosасини эълон қилишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлса-да, АХС ларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса, ножӯя харакатлар натижаси деб каралади ва муҳим бўлиб ҳисобланади.

Аудиторлик текширувни ўтказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофик профессионал мулоҳазани кўллаган ва профессионал скептицизмни сақлаган ҳолда харакат қилдик.

Аудиторлик текширувни ўтказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофик профессионал мулоҳазани кўллаган ва профессионал скептицизмни сақлаган ҳолда харакат қилдик.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз куйидагиларни бажардик:

- корхона масъул шахсларининг номақбул харакатлари ва хатолари таъсирида молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги таваккалчилик (risk) даражаси таҳлил қилинди;

- аудит таомилларини белгилаш мақсадида корхонадаги ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўлинди;

- корхонанинг ҳисоб сиёсати ўрганиб чиқилди ва уни корхона фаолиятига мос келиш даражасига баҳо берилди;

- корхона фаолиятининг узлуксизлиги борасида раҳбар шахслар берган баҳоларнинг ҳақиқатга мос келиши тўғрисида хulosса қилинди;

- текширилаётган молиявий ҳисобот бўйича фикр билдириш учун етарли аудиторлик далилларининг йигилганлик даражаси ўрганилди.

- молиявий ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни тўғрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилди ҳамда унинг ҳаққоний тақдим қилинганлик даражасига фикр билдирилди.

Бундан ташқари, аудиторлик ёзма ахборотида корхона раҳбариятига корхонадаги мавжуд ҳисоб ва назорат тизимини янада такомиллаштириш борасидаги тавсияларимизни баён қилдик ва корхона молиявий ҳолати таҳлили бўйича амалга оширган ҳисоб - китобларимизни тақдим этдик.

(имзо, муҳри)



ЭРГАШЕВА З.Э.

МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» AT директори (аудитор)

(аудитор малака сертификати № 05486, Ўзбекистон Республикаси БАИМ томонидан муддатсиз даврга берилган)

(имзо)

Назаров Ў.М.

МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» AT аудитори

(аудитор малака сертификати № 05826, 16.12.2021 йилда  
Ўзбекистон Республикаси БАИМ томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси, Қарши ш., И.Каримов, 212/65.